



Ислом Нури

кўтариб: «Эй Аллоҳ, бизга ёмғир ёғдир, Эй Аллоҳ, бизга ёмғир ёғдир, Эй Аллоҳ, бизга ёмғир ёғдир», дедилар. Анас розияллоҳу анҳу айтади: Аллоҳга қасамки, осмонда на бир парча булут, на бошқа бирон нарса бор эди. Силь тоғи билан Мадина орасида на бир уй, на бир ҳовли бор эди. Силь тоғи орқасидан қалқончалик бир булут чиқиб келди, осмоннинг ўртасига келганда ёйилди. Сўнгра ёмғир ёғди. Аллоҳ таолога қасамки, шу бўйи олти кун қуёш кўрмадик. Сўнг келгуси жума Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутбада турганларида бир киши худди ўша эшикдан кириб келиб, у зотнинг рўпараларида туриб: «Ё Расулуллоҳ, моллар ҳалок бўлди, йўллар узилиб қолди, Аллоҳ таолога дуо қилинг, ёмғирни тўхтатсин», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларини кўтардилар, сўнг: «Эй Аллоҳ, атрофларимизга (ёғдиргайсан), устимизга эмас. Эй Аллоҳ, қир-адирларга, тоғларга, чакалакзорларга, водийларнинг ичларига ва ўрмонларга (ёғдиргайсан)» деб дуо қилдилар. Шундан сўнг ёмғир тўхтади ва биз қуёш нурлари остида кетдик.

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида қурғоқчилик бўлган экан шунда бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жума куни хутба қилиб турганларида Аллоҳ таолодан ёмғир тилаб дуо қилишларини сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дуо қилишлари билан ёмғир ёға бошлади ва у бир ҳафта тўхтовсиз давом этди. Шундан сўнг одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан Аллоҳ таолога дуо қилиб ёмғирни тўхтатишини сўрашларини илтимос қилишди.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:



1. Ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбарлик мўъжизаларидан бири намоён бўлди.
2. Жума хутбасида турганда ёмғир сўраб дуо қилиш жоиздир.
3. Агар кўп ёмғир ёғиб, одамлар зарарланадиган бўлса, ёмғирни тўхтатишни сўраб дуо қилиш жоиз.